Туркистонда хозиргача маълум бир йўлга кўйилмаган чаток ишлардан бири вакф ишларидир. Инкилобдан бери вакф ишлари учун юзларча комиссиялар тузилди. Турлук лойихалар ясалди. Лекин кутилган бир натижа чикмади.

Кейинги вактларда вакфларни халк кўлига бериш сиёсати майдонга чикди. Бунинг учун ТуркЦИК томонидан бир лойиха тузилиб, кози ва мударрис курултойидан хам ўтказилди. Самарканд, Фаргона областларида вакф шўролари тузилиб, ишга хам киришди. Сирдарё областида хам мундан бир ой мукаддам турлук ташкилотлар тарафидан вакф шўроси учун вакиллар сайланиб тегишлик ўртокларга топширилди. Эски шахар ижрокўмида сайлов карорномалари ойлаб ётгандан сўнгра тасдик килинуб, музофот ижрокўмига топширганлиги эшитиладир. Хар холда у ерда хам ёта-ёта зерикгач, ундан хам тасдик килинуб, Сирдарёмизда хам вакф шўроси ишга киришса керак.

Вакф шўролари ишга киришган билангина кутилган натижа чикарми, йўкми? Унисини келгуси кўрсатур. Ёлгуз хозиргача вакф ишларини бу тарика чаток холда колдириб келган кўп сабабларнинг энг каттаси вакфларни сарф ва бошкариш тўгрисидаги фикрларнинг турликлигидир. Бир-бирига тамом тескари бўлган бу фикрлар бирлашмаган такдирда вакф ишлари тагин чуволур. Хар ким хар томонга караб тортар, уришилур, сўкишилур, натижада такрор вакфларнинг тог каби мадрасалар бино килишдан ва улардаги ўкувчи ва ўкитувчиларнинг таъминоти учун колдирган миллионларча вакфларидан кутган максад-мукаддаслари шу чокгача бўлиб келганидек поймол бўлур. Бунчалик вакфлар, бунчалик мадрасалардан халкнинг маориф ва маданияти номига фойдаланиш мумкин бўлмас.

Бошка мутаракkий ислом мамлакатларида кўпдан буни тушуниб, бу тўгридаги ихтилофи афкорни орадан кўтарганлар, вакф ишларини маълум бир йўлга кўйиб, маориф бюджетининг буюк бир кисмини вакфдан керагича истифода килмок, вакфларнинг рухларини шодлантирмок бўлсак, аввало бу тўгридаги ихтилофларни бир ёглик килиб, фикрларни бирлаштиришимиз керакдир. Вакф ишлари тўгрисида инкилобдан бери бошлуча тўрт фикр роль ўйнаб келди:

1-хасадчилар, 2-тафритчилар, 3-ифротчилар, 4-мўътадиллар фикри.

Хасадчилар кимлар? Маълумки, Туркистон вакфлари мусулмонлар тарафидан дин, маориф ва маданиятлари учун тахсис этилуб, колдирилгон хос ва холис сармояъи миллияларидир. Бошка миллатлар каторида умумий маориф-сармоясидан фойдаланиш устига ўзларининг ушбу миллий сармояларини хам яхши бир йўлга кўя олмаслар, эхтимолки, тез кўтарилиб (тараккий килиб) ўзларини мустамлакачилар куллигидан куткарсалар. Ерлик халкнинг доимо жахолатда колуб, кул бўлиб туришларини истаган мустам-лакачилар, албатта, буни кўролмайдурлар. Хасад килурлар. Шунинг учун кайси йўл билан бўлса-бўлсун вакфларни ё бутунлай хазинага олмок ва ё хеч бир яхши йўлга киришга йўл бермасдан, хамиша чаток бир холда колдириш харакатида бўлурлар.

Вакф ишлари дуруст йўлга кира бошладими, дарров бир чаток чикориб, ишни бузадилар.

Бу жиноятни тўгридан-тўгри ўзлари килмасдан, ерликлардан бир неча алданган ёки сотилган кишилар топиб, улар воситаси билан ишлайдилар-да, лабларини ялаб, «ерлик ишчиларнинг ўзлари шундай истайдирлар», деб кўзларини лўк килиб караб тура берадирлар, жуда бўлмаган такдирда отини «Шарк сиёсати» кўйиб, вакфларни подшох замонасининг бутун муллоларни ўз ихтиёрларига колдириш фикрини кувватлайдирлар. Бундан максадлари эса бир оз вакт шундай колдириб, замони келганда: «Качонгача муллолар вакфни ўринсиз еб ётадирлар, буни хазинага олмок керак», деган бир фикрни кувватлаб ўткаришдир.

Мана бу фиркани биз хасадчилар, мустамлакачилар, деб таъбир этамиз. Инкилобдан бери вакф ишлари шул фирканинг хабис фикрларига курбон бўлиб келди. Кейинги, ТуркЦИК лойихаси ила шояд бу фирканинг фикрига эхтимом берилган бўлур, деб умидланамиз.

Тафритчилар кимлар? XIX асрнинг бошларидан то Русия инкилобигача бўлган бир муддатда Туркистон мадрасаларининг тарихини ва бундан бўлган таълим-тадрис йўлларини, вакфларда бўлган суиистеъмолларини ва етиш-тирган шогирдларини бир даража назардан кечирилса, кўнглида андак миллий ва диний хис бўлган хар кишининг кўзидан беихтиёр ёш окадир. Бу хусусда хозиргача кўп ёзилди, сўзланди, такрор тафсиллаб ўлтирмакни лузуми йўк, факат шунигина айтиш мумкинки, сўнг асрларда кўп мадрасаларимиз диний ва дунёвий уламолардан тамом тозаланиб, холис илмсизлар еткузатурган бир танбалхона холига келган эди. Ўтганда Буали, Форобий, Тафтазоний каби хакимлар ва олимлар етишдирган Туркистон мадрасалари кейинги кунларда тузукрокбир мударрис ёхуд имом хам етиштира олмайтурган бир холга тушган эди. Хозирда мавжуд баъзи дурустрок мударрис ва имомларимиз эрса мадрасаларнинг тартиблилиги соясида эмас, мадрасаларнинг тартиб ва конуний хорижда ўзларининг килгон хусусий ташаббус ва гайратлари оркасидагина фавкулодда заколари соясидагина етишгандирлар.

Вакф тўгрисида шундай бир фикр борки, вакфларни илгаридек хар бир мадрасанинг ўзига бериб ва хар бир мадрасага икки-уч мударрис белгилаб, уларнинг шогирдлари бўлсун-бўлмасун, мадраса вакфини бохузур еб ётишларига пул берилсун эмиш. Шундай бўлгон такдирда тадрижан шогирд хам йигилар эмиш хамда вакфнинг шартига ва шароитига мувофикбўлар эмиш, кискаси, Николай замонида мадрасалар ва вакфлар кандай идора килинган бўлса ва нималар ўкитилган бўлса, хозирда хам шундай бўлсун эмиш[1]. Ислох-мислохдан хеч бир огиз очилмасун эмиш.

Бу фикрнинг бошида турувчилар хар кимга маълум, биз буларни тафритчилар ва инфишочилар, замондан хабарсиз, халкни коронгуда колдиргувчилар, деймиз.

Хасадчилар ила тафритчилар баъзи моддаларда бирлашиб хам кетарлар. Факат хасадчилар билиб ва тафритчилар алданиб бирлашурлар.

Ифротчилар кимлар? Хасадчиларнинг сиёсати хабисасига тушунган ва тафритчиларнинг жахолат ва таассубидан куйганлардан бир фикр келиб чикодурки, булар «Кўй, бу мадрасалардан ва бу муллоларингдан хеч бир умид йўк. Модомики,

вакфлар ўз ихтиёримизга берилди, халк назарига бир неча мадрасаларни ликиллатиб кўяйлик-да, вакф бадаллари ила бир неча ибтидоий мактабларни тарбия килойлик. Бизнинг хаётимиз ва нажотимиз шул мактабларга богликдир, эскини хар канча ямасанг-да, эски, эскини ямаб овора бўлуб ўтиргандан кўра, бутун ташлаб, янгисининг харакатида бўлган яхши, дейдирлар. Биз буларни ифротчилар, узокни кўра олмагучилар, янги килиб бераман деб ухдасидан чиколмай, халкни эскидан хам махрум этиб, ялангоч колдирувчилар, деб таъбир этамиз. Мўътадиллар кимлар? Бу хакда келар сонда[2].

«Хакикат» журнали, 1922 йил, 2-сон

[1] Чор кироат деган эски юнон мантикини ва унинг хошияларини укуб кун кечириш бўлмаса керак. Идора.

[2] «Хакикат» журналининг бошка сонлари чикмагани учун ушбу маколанинг давоми босилмаган. (С. А.)